

## Қандай қилиб мусулмон бўлдим?



10:30 / 23.08.2021 3046

Абдуллоҳ ат-ТАРЖУМОН (каталонча Ансельмо Турмеда) (1355 - 1423) - малоркалик насроний руҳоний. Кейинчалик Ислонни қабул қилади ва Тунисга кўчиб ўтади. Араб ва лотин (каталон) тилларида ижод қилган биринчи ёзувчилардан. У Тунисидаги Хафсид шаҳрида вазир бўлган ва 1423 йили Абу Фарис Абдулазиз II даврида шу ерда вафот этган. Унинг «Тухфатул ариб фир-радди ъала аҳлис-салиб» (баъзи нусхаларда «ариб» ўрнига «лабиб» деб ёзилган) номли асари жуда машҳур. Асарнинг бош қисмида ўзи хабар берганидек, ёзувчи олдин Испаниянинг Лорида шаҳрида, сўнг Италиянинг Болония шаҳрида насронийликдан таълим олган. Кейинчалик устози епископ Никола Мартелнинг яширин тавсияси билан Тунисга келади ва Ислонни қабул қилиб, исмини «Абдуллоҳ» деб ўзгартиради. Тунисда араб тилини ўрганиб, давлат идорасида таржимонлик қилган. «Тухфатул ариб...»ни ҳижрий 823 (милодий 1420) йили ёза бошлаган. Муаллифнинг ўғли тайёрлаган асарнинг арабча хулосаси Берлин кутубхонасида турибди. Бундан ташқари, арабча аслининг бир қанча қўлёзма нусхалари турли кутубхоналарда сақланмоқда. Арабча матни ҳижрий 1290 йили Англияда босилган. Милодий 1895, 1904 да ва кейин бир неча йиллар давомида Қоҳирада ҳам нашр этилган. Асарнинг французча таржимаси кенг ўрганилган.

Маълумингиз бўлсин, мен Майорка диёриданман. Бу шаҳар денгиз

бўйида икки тоғ орасидаги кичик бир водий билан ажратилган бўлиб, тижорат яхши йўлга қўйилган мамлакатдир. Иккита бандаргоҳи бор. Бу бандаргоҳларда қимматбаҳо моллар ортилган кемалар тўхтайтиди.

Отам Майорка аҳолисидан. Мендан бошқа фарзанди йўқ. Олти ёшга тўлганимда мени бир руҳоний муаллимга топширди. Мен бу руҳонийдан Инжилни ўргандим. Икки йил давомида Инжилнинг ярмидан кўпини ёдладим. Шундан сўнг икки йилча Инжил луғатлари ва мантиқ илмини ўрганиш билан машғул бўлдим. Кейинчалик Каталон ерларига кирувчи, насронийлар орасида илм диёри ҳисобланган Лорида шаҳрига бордим. Бу мамлакатни ўртасидан денгиз иккига ажратиб туради. Тупроқларида олтин кўп бўлса-да, харажатларини қопламагани учун олтин қазиб олинмайди. Мевага жуда бой. Деҳқонларнинг битта шафтолини тўртга бўлиб қуёшда қуритишганини, қовоқ билан сабзини қоқи қилиб, қишда сувлаб барра сабзавотдек истеъмол қилишларини кўрдим. Насронийлардан илм ўрганишни хоҳганлар бу ерга тўпланишади. Адади минг-минг беш юзтагача борадиган талабалар гуруҳига фақат уларга дарс берадиган роҳибгина аралашади ва бошқаради. Мамлакатда энг кўп ўсадиган ўсимлик сафрондир. Мен бу ерда олти йилча тиб ва нужум илмини ўқидим. Сўнгра тўрт йил давомида Инжил ва Инжил луғатларидан дарс бердим.

Кейинчалик Набунияга бордим. Бу ер жуда катта шаҳар ҳисобланади. Атрофда тош бўлмагани учун иморатлари ғишдан қурилган. Мамлакатдаги ҳар бир ғишт қуювчининг махсус тамғаси бор. Ђиштларнинг пишиқ-пухталиги маъмурлар томонидан назорат қилинади. Биронта ғишт қуювчининг ғишти уқаланиб кетса, пули қайтариб олиниб, дарра билан жазоланади.

Ҳар йили бу шаҳарда илм олиш учун икки мингдан ошиқ талаба тўпланади. Таҳсил олаётганлар ажралиб туриши учун, хоҳ ҳукмдор бўлсин, хоҳ шаҳзода, барчалари руҳоний кийимини кийишади. Уларни ҳам фақат дарс берувчи роҳиб бошқаради. Мен бу мамлакатга келгач, Никола Мартил исми билан танилган насоролар орасида обрўйи баланд кекса бир роҳибнинг черковига жойлашдим. Бу зот насоралар орасида илм ва диндорлик жиҳатидан юксак мартаба соҳиби, замонасининг олими эди. Ҳукмдорлар у билан маслаҳатлашиб иш кўрар, совға-саломлар юборишар эди. Унинг бу ҳадяларни қабул қилиши шараф ҳисобланарди, насронийлар уни жуда эъзозлашарди.

Мен бу роҳибдан насоро динининг усул ва ҳукмларини ўргандим. Доимо унинг хизматида бўлдим. Унга яқин бўлишга ҳаракат қилдим. У ҳам мени ҳар кимга энг яқин талабаси сифатида таништирарди. Бир-биримизга шу

даража яқинлашиб кетдикки, уйининг ва омборларининг калитларини менга топшириб қўйди. Аммо уйдаги, онда-сонда кириб турадиган бир хонанинг калитини бермади. Аллоҳ билади, балки бу ерга унга ҳада қилинган нарсаларни қўяр. Мен унинг ҳузурида ўн йил илм ўргандим. Бугун ғайратим билан ҳаракат қилиб, унга қаттиқ боғланиб қолдим.

Бир куни устозим касалга чалиниб, дарсга чиқолмади. Талабалар дарсхонада ўтириб, бир қанча масалалар бўйича музокара қила бошлашди. Ниҳоят, баҳс Аллоҳ таолонинг ҳазрати Ийсога туширган «Сендан сўнг бир пайғамбар келади, исми шарифи Парақлитдир», мазмунидаги илоҳий ҳукмига келиб тўхтади. Йиғилганлар ўртасида бу хусусда жуда кўп мунозара бўлди. Бироқ масалани ҳал қилолмай тарқалишди. Мен ҳам ўрнимдан туриб, устозим ҳузурига кетдим.

- Бугун қандай мавзуларни гаплашдиларинг? - деб сўради устозим мендан.

- Парақлит исмида ихтилоф бўлди. Фалончи ундай деди, писмадончи бундай жавоб қилди, - дедим.

- Сен нима дединг? - деб сўради устозим.

- Фалон шарҳчининг Инжил шарҳида кўрсатган жавобини бердим, - дедим.

Жавобни эшитган устоз:

- Сен хато қилмабсан, масалага бир оз яқинлашибсан, - деди. - Фалончи хато қилибди. Фалончи эса жуда яқинлашибди. Лекин ҳеч ким тўғри жавоб бермаган. Бу улуғ исми фақат илми кучли олимларгина билишади. Сизнинг эса, илмдан насибаларинг жуда оз.

Устознинг бу гапларидан сўнг мен ўрнимдан туриб, унинг оёқларига ёпишдим.

- Ҳазрат, ўзингизга маълум, мен ватанимни тарк этиб, узоқ ўлкалардан бу ерга келганман. Ўн йилдан бери ризолигингизга эришиш учун ғайрат қиляпман. Сиздан беҳад кўп билим олдим. Ҳозир сиз муҳтарам устозимдан бу муборак исми ҳам ходимингизга билдириш билан эҳсонингизни тугал қилишингизни ўтинаман.

Менинг сўзларимни эшитиб, устоз йиғлай бошлади ва бундай деди:

- Ўғлим, валлоҳил аъзим, менга яхши хизматинг, севгинг ва садоқатинг сабабли сени жуда яхши кўраман. Ҳа, бу муборак исми билишда чексиз фойдалар бор. Лекин сир сақлаёлмайсан деб қўрқаман. Насоролар билиб қолишса, сени ўша заҳоти ўлдиришади.

Унинг сўзлари менинг қизиқиш ва ҳайратимни янада орттирди:

- Устоз, - дедим. - Аллоҳ, Инжил ва Масих ҳаққи, менга айтадиган сирларингизни ҳеч кимга очмайман!

Ваъда берганимдан сўнг устозим бундай деди:

- Ўғлим, сен менинг ҳузуримга келганимда мамлакатингнинг мусулмон диёрларга яқин ё узоқлигини, мусулмонлар билан жанг қилган ёки қилмаганларингни сўраган эдим. Бу саволларни Ислом билан орангиздаги айрилиқ даражасини ўлчаш учун берган эдим. Билгинки, «Парақлит» мусулмонларнинг пайғамбари ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак исмидир. Унга Жаброил алайҳиссалом воситасида тўртинчи китоб - Қуръон нозил бўлган. Бу китобнинг у пайғамбари жалилга нозил бўлишини, динининг ҳақ дин эканини ва миллатининг Инжилда номи билдирилган ҳақ миллат бўлишини Жаброил алайҳиссалом хабар берган.

- Унда насронийлик ҳақида нима дейсиз? - деб устоздан сўрадим.

Бу гапимни эшитган устоз жуда жиддий тус олди ва бундай деди:

- Ўғлим, агар насронийлар Ийсо алайҳиссаломнинг динида бўлганларида, илоҳий динга қоим бўлишар эди. Чунки Ийсонинг ва бутун пайғамбарларнинг динлари Аллоҳнинг динидир.

- Ундай бўлса, бу ишда нажот топиш қандай бўлади?

- Мусулмон бўлиш билан.

- Мусулмон бўлган нажот топадимиз?

- Ҳа, мусулмон бўлган дунё ва охирада нажот топади.

- Ҳазрат, энг фазилатли ва хайрли нарса нима бўлса, ақлли киши ўзи учун шуни танлайди. Сиз Ислом динининг фазилати ва юксак қийматини билганингиз ҳолда, нима учун мусулмон бўлмадингиз? Нима тўсқинлик қилди? - деб сўрадим.

- Ўғлим, Аллоҳ таоло Исломиятнинг фазилатини ва Ислом пайғамбарининг шарафини менга ёшлигимда эмас, ёшим анчага бориб қолганидан сўнг насиб этди. Бу хусусда биз учун ҳеч қандай узр йўқ. Балки илоҳий ҳужжат зиммамизда турибди. Агар сендек пайтимда Вожиб таоло мени ҳидоятга буюрганида, ҳар қандай нарсани тарк этиб, ҳақ динга тез кирардим. Дунёга муҳаббат ҳар гуноҳнинг боши ва тамалидир. Менинг насоролар ичида эришган иззат-ҳурматимни, обрўйимнинг катталигини ва давлатимни биласан. Агар менда мусулмонликка бир оз майл ва рағбат кўрилса, насоролар мени тинч қўйишмайди, дарҳол ўлдиришади. Фараз қилайлик, уларнинг қўлидан қутулиб, Ислом мамлакатларига илтижо қилдим. Мусулмонларга «Мен Ислом динини қабул қилдим, сизнинг ёнингизга келдим», десам, улар: «Ҳақ динга кириб фойда топибсан. Аллоҳнинг азобидан қутқарган бир динга кириш билан бизни миннат остида қолдирдим деб ўйлайсанми?» дейишади. Мен уларнинг тилини билмайман. Улар менинг ҳаққимни билишмайди. Тўқсон ёшли бир қария

сифатида ёнларида қолиб, очимдан ўлиб кетаман. Аллоҳга шукрки, мен ҳазрати Ийсога юборилган диннинг бутун ҳақиқатларига ишонаман.

- Ҳазрат, мен Ислом диёрига кетсам ва мусулмон бўлсам, менга ёрдам бериб, далолат этасизми? - дедим. Устоз:

- Агар ақлинг бўлса ва қутулиш ниятида бўлсанг, ҳеч кечиктирма, кет. Дунё ва охираат саодати сеникидир. Лекин, ўғлим, ўртамизда кечган бу сўзларни ҳозирча ҳеч ким билмайди. Суҳбатимизни сир сақлашинг лозим. Агар бу гаплардан ниманидир сездириб қўйсанг, насронийлар сени ўша заҳоти ўлдиришади, мен сени қутқариб қололмайман. Бу гапларни мендан эшитганингни айтишинг ҳам сенга фойда бермайди. Чунки мен жонимни сақлаб қолиш учун инкор қиламан. Менга қарши айтган сўзларингга улар қулоқ солишмайди, натижада ўзингга қийин қиласан. Хуллас, бу хусусда бирор нарсани билиб қолишса, мен сенинг қонингдан масъул эмасман, - деди.

- Бундай ҳолдан Аллоҳ сақласин, - деб устозга тасалли бердим.

Йўл тайёргарлигини кўриб, устоз билан видолашдим. У менга хайрли дуо қилиб, йўл харажатларим учун элликта олтин совға қилди. Мен у ердан денгиз йўли орқали ўзимнинг мамлакатим Майоркага келдим. Олти ой яшагач, Сижилияга ўтдим. Мусулмон мамлакатларига кетадиган кемани кутиб, беш ой у ерда қолдим. Тунисга кетадиган кема келгач, уни кираладим. Оқшом пайти сузиб кетдик. Аллоҳнинг ёрдами билан эртаси кун пешин вақти Тунис бандаргоҳига етиб келдик. Менинг келганимдан хабар топган насоролар йиғилиб, мени уйларига олиб кетишди. Тўрт ойгача уларнинг меҳмони бўлдим. Бир куни насоролардан ҳукумат доирасида тилимизни биладиган бирон киши бор-йўқлигини сўрадим. У пайтлар Тунис беки Абул Аббос Аҳмад исмли бир зот эди. Унинг Юсуф ат-Табиб исмли хусусий табибининг насоро тилини билишини айтишди. Бу гапни эшитиб беҳад севиндим ва дарҳол табибнинг қаерда яшашини сўрадим. Мени унинг уйига олиб боришди. Табибга аҳволимни арз этиб, мусулмон бўлиш учун келганимни айтдим. Бу хайрли иш унинг воситасида амалга ошиши табибни жуда қувонтирди. Отига миниб, мени саройга олиб келди. Абул Аббос Аҳмаднинг ҳузурига кириб, мен ҳақимда гапириб берди ва мени қабул қилиши учун изн олди. Ичкарига кирдим.

Абул Аббос ҳазратлари олдин менинг неча ёшда эканимни сўради. Айтганимдан сўнг:

- Хуш келдингиз. Жуда яхши... мусулмон бўлинг. Аллоҳ муборак айласин, - деди.

Шунда мен таржимонлик қилаётган табибга:

- Марҳамат қилиб жанобга айтсангиз, бир киши динини тарк этса, у

ҳақида кўп иғволар бўлади. Шунинг учун бир илтимосим бор, бу ерда яшайдиган насороларнинг улуғлари чақирилсин ва улардан мен ҳақимда сўралсин. Уларнинг гувоҳликларидан сўнг мусулмон бўлсам, – дедим.

Илтимосимни эшитган Абул Аббос таржимон воситасида:

– Сен Абдуллоҳ ибн Саломнинг иймон ила мушарраф бўлган пайтида ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан талаб этганидек бир илтимосни сўрадинг, – деди ва Тунисдаги бир қанча насоро тужжорларга ва уларнинг улуғларига хабар юборди. Мен эса мажлисга яқин бир хонага кириб турдим. Насоро вакиллари йиғилишгач, Абул Аббос улардан сўради:

– Денгизнинг у ёғидан келган янги роҳиб ҳақида фикрингиз қандай?

– Динимизнинг жуда улуғ олими. Буюкларимиз илмда ундан юксак даражада ҳеч кимни кўрмаганларини таслим ва тасдиқ этишган, – деб жавоб қилишди улар.

Шунда Абул Аббос:

– Агар бу одам мусулмон бўлса, нима дейсизлар? – деди.

Ҳаммаси бирдан:

– Аллоҳ сақласин! – дейишди. – Бу одам ҳеч қачон бу ишни қилмайди!

Абул Аббос ҳазратлари уларнинг шу гапидан сўнг, мени чақиртирди. Мен барчанинг олдида шаҳодат келтирдим. Йиғилганлар ҳайрат ва даҳшат ичида қолишди ва бундай дейишди:

– Бу одамни мусулмон бўлишга мажбур қилган нарса уйланиш орзусидир. Чунки бизда роҳиб уйланмайди.

Сўнг ғам-қайғу ичида чиқиб кетишди. Абул Аббос ҳазратлари менга кунда бир чорак динар маош белгилаб, меҳмонхонага жойлаштирди. Ҳожи Муҳаммад ас-Сафарнинг қизига уйлантирди ва тўйимдан олдин юз олтин, бир сидирға кийим-бош эҳсон этди. Бу пулларга тўй қилдим. Завжамдан бир ўғил кўрдим. Толеи баланд бўлсин, деб Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг исмларини қўйдим.

**«Тухфатул ариб фир-радди ъала аҳлис-салиб» асари  
асосида Маҳмуд Маҳкам тайёрлади  
«Hilol» журналининг 3 (24)-сони**